

БАДИЙ ТИЛНИНГ ГЕНДЕР АСПЕКТИДА ЎРГАНИЛИШИ

*Гулнорахон Гуломовна Ниязова
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва
адабиёти университети*

Аннотация

Мақолада детектив асарларда бадий тилнинг гендер аспектада ўрганилиши таҳлил ва муҳокама қилинган. Гендер ҳодисаси, инсоннинг муомала эҳтиёжи, нотиклик талаби асосида тилнинг ўзи каби эволюцион босқичларни босиб ўтган ҳодиса сифатидаги талқинига тўхтаб ўтилган.

Таянч сўзлар: *гендер хусусиятлар, социо-прагматик ёндашув, адресант, адресат, коннотатив маъно, лисоний воситалар, гендер ўзига хосликлар.*

Гендер социолингвистик тадқиқотларнинг барча турларида, хоҳ у синтаксис ёки дискурс бўлсин муҳим омил саналади, чунки у барча жамиятларда, шу жумладан социолингвистика соҳасида ҳам ўзига хосликнинг энг сезиларли жиҳати ҳисобланади. Гендер тилшунослиги сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда фаол ўрганиш объектига айланиб улгурди. Агар илгари тил тизими ҳамма учун бир хил бўлиб туюлган бўлса, вақт ўтиши билан гендер стереотипи нутқнинг ўзаро таъсирига/муҳитига бевосита таъсир қилиши аниқ бўлди. Дунё тилшунослигида тил ҳодисаларининг шаклланиш омили, этимологик манбаи, маъновий гуруҳи, функционал жиҳати, миллий-ментал хусусиятлари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўзловчининг тингловчи ёки ўқувчига ўз фикрини аниқ, лўнда ва тушунарли тарзда етказиши учун тилнинг таъсирчан воситаларидан қай тарзда фойдаланиши муҳим масалалардан бирига айланган. Натижада тилшунослик фанида тил ва ундан фойдаланувчи шахс муносабатини ўрганувчи турли йўналишлар майдонга келди.

Лисоний ҳодисалар, муайян матн типидagi асарларнинг социопрагматик хусусиятлари, мазмун-моҳияти уларнинг мулоқотга таъсири жаҳон тилшунослари О.Ахманова [1], Дж.Остин [9] ва бошқалар томонидан турли контекстда, асосан, бадий асарлар мисолида ўрганилган. Гендер таҳлиллар расмий нутқдаги метафораларга бағишланган изланишларда ҳам амалга оширилган. А.В.Кирилина [4-5], А.П.Мартинюк [12], Р.Лакофф [7-13], Ж.Коаст [6], Е.А.Земская [3], Ш.Берн [2] каби олимлар томонидан гендер йўналишдаги тадқиқотлар амалга оширилган. Аёл ва эркак нутқидаги хушхулқлик муаммолари, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари тадқиқи кўпгина соҳа мутахассисларининг диққат-эътиборини тортган.

Британия прагматингвистикаси М.Ҳоллидейнинг тилни функционал таҳлил қилишига кучли таъсир кўрсатди. Унинг тадқиқотларида тилнинг ижтимоий вазифаси, мундарижаси, расмий, ёзма ва оғзаки нутқ таҳлили кабилар ўз ифодасини топган [14]. Тилшунослар Ж.Синклер ва М.Култхард ҳам коммуникациянинг антропоцентрик таҳлилни кенгайтди. Британия антропоцентрик таҳлилида адабий тилнинг ўзига хос кўриниши бўлган бадий нутқ таҳлил материаллари сифатида олинади [15].

Прагматингвистиканинг марказий масалаларидан бири нутқий акт назариясидир. Нутқий ҳаракатни англатувчи коммуникатив алоқанинг вербал ифодали бирлиги нутқий акт саналади. Нутқий актнинг шаклланишида вербал бирликлар билан бирга иштирок этувчи новербал воситалар мулоқотнинг ёр-

дамчи воситалари саналади. Маълумки, ҳар қандай нутқий ҳаракат тил ва унинг эгаси муносабатини тақозо этади. Инсон – тил, тил – инсон диадаси тадқиқида, табиийки, коммуникатив мулоқот муаммосига дуч келинади. Коммуникатив мулоқотнинг амалга ошиши, унинг таркибий қисми бўлган нутқий акт ва унда ифода этилган ахборот, бу ахборотнинг тингловчи томонидан тушунилиши, нутқий акт орқали тингловчига таъсир кўрсатиш кабилар прагматингвистиканинг таҳлил объектлари саналади. Коммуникатив мулоқот инсон тафаккури фаолиятининг маҳсули бўлиб, бу жараёнда нутқ эгалари томонидан турли мақсадларга йўналтирилган рангбаранг нутқий тузилмалар ҳосил қилинади. Бу нутқий тузилмаларнинг синтагматик муносабати асосида яхлит мулоқот матни шаклланади.

Тилшуносликда нутқий акт муаммосининг юзага келиши, ўрганилиши австралиялик файласуф Л.Витгенштейннинг лисоний фаолият масаласига оид фалсафий қарашлари билан боғлиқ. Нутқий акт назарияси илк бор инглиз файласуфи Ж. Остин томонидан илгари сурилди. У асосий эътиборини нутқий акт назариясини ишлаб чиқишга, хусусан, нутқий актни шакллантирувчи перформатив феъллар таҳлиliga ҳамда нутқий акт турларини таснифлаш масаласига қаратди. Ж.Остиннинг ўлимидан сўнг нашр этилган «How to do things with words» китобида олимнинг бу масалага оид қарашлари жамланди [9].

Рус тилшунослигида нутқий фаолият ва нутқий акт масалалари В.Н.Забавников, А.А.Леонтьев, А.Н.Баранов, Г.Е.Крейдлин, И.Н.Горелов, С.А.Сухих ва бошқалар томонидан ўрганилди, бу масаладаги мавжуд қарашлар умумлаштирилди ва тўлдирилди.

Ўзбек тилшунослигида нутқий акт муаммоси М.Ҳакимов томонидан махсус ўрганилди [10]. Унинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” деб номланган докторлик диссертациясининг иккинчи бобида нутқий актнинг шаклланиши, турлари, ўрганилиши масаласи таҳлил этилди. Тадқиқотда нутқий актнинг умумсемиологик белгисига кўра кў-

плаб тилшунослар томонидан эътироф этилган сўзлаш акти (локутив), коммуникатив (иллокутив), пропозиционал, нутқий таъсир кўрсатиш (перлокутив) актларига муносабат билдирилди. Олим мазкур тадқиқот ишида нутқий актнинг кўринишларини Ж.Р.Серль концепциясига суянган ҳолда таснифлаб, ҳар бир турнинг моҳиятини ўзбек тили матнлари асосида очиб берди. М.Ҳакимов нутқий акт кўринишларини қуйидагича таснифлади: 1. Репрезентатив ёки хабар нутқий акти. 2. Мажбурият актлари. 3. Экспрессив актлар. 4. Декларатив акт [10].

Мулоқот жараёнининг иштирокчилари: адресант (коммуникатор) ҳамда адресат (адресат)дир. Уларнинг маълум бир аниқ амалий аҳамиятли умумий мақсади бўлади. Адресатнинг алоқа-аралашув жараёнидан мақсади (интенцияси) нимадир хусусидаги ахборотни етказиш ва одамларнинг руҳиятига, ахлоқига таъсир этишдан иборат бўлса, адресатнинг мақсади тинглашдир. Уларнинг умумий мақсади фикр алмашишдан иборат бўлади. Коммуникантларнинг ёшига кўра фарқланиши ҳам алоҳида-алоҳида жамиятлар сифатида қаралади.

Коммуникантларнинг аёл ёки эркак ижтимоий типига мансублиги мулоқот жараёни учун аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, аёл ёки эркак нафақат биологик ва физиологик жиҳатдан, балки уларнинг нутқи ҳам бир-биридан фарқланади. Ўзбек аёллари, асосан, ёши катта мулоқот эгалари нутқида хос айланай, гиргиттон, ўргилай, қоқиндиқ каби сўзлар ижобий маъно нозиклигини ифодаловчи лексик воситалар саналади. Улар кўпроқ кекса аёллар томонидан қўлланади. Чунончи: Кўшнлар аҳвол сўраса, уларниям, ўзиниям юпатади:

– Ҳа, энди кексаликда, ўргилай. Лекин онамнинг оёқ оғриғи фақат кексаликдан эмас. Инсоннинг жинси вазиятли роль эмас, балки унинг экзистенциал характеристикаси, айтиш мумкинки, шахснинг ажралмас қисмидир. Биз “шахс” сўзини тасодифан ишлатмадик. Инсон ижтимоийлашув жараёнида шахсга айланади ва жинс бу жараённинг хусусиятларини белгиловчи омиллардан бири-

дир. Шундай қилиб, биологик хусусият – инсоннинг жинси ҳам ижтимоий оқибатларга олиб келади, бунинг учун замонавий фанда “gender” атамаси қўлланади. Гендер тилшунослигида мавжуд тадқиқотлар эркаклар ва аёллар нутқи ўртасидаги кўплаб фарқлар борлигини тасдиқлайди. Буни эса бадий матнлардаги қахрамонлар нутқини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Масалан, Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романида шундай ўринлар мавжуд: Аяси дадасининг қалин ёқали катта оғир пальтосини кийиб олибди. Унинг назарида аяси пальтонинг оғирлигидан қийналиб инқиллаётганга ўхшарди. Аяси танча олдида тўхтади. У турди. Аяси уни ўпиб, йиғлади.

– Дадаси, танчанинг чўғини очиб қўйинг. Тойчоғингиз совқотибди, – деди. Дадаси энгашиб, кўрпанинг бир томонини кўтарди-да, кулини титиб, чўғни очди. Кейин чиқиб кетишди [8].

Матнда ажратиб кўрсатилган жумла аёл кишининг нутқи бўлиб, ўзбек аёлининг эрига мурожаати акс этган. Биринчидан, бошқа халқлардан фарқли ўлароқ кўп ўзбек аёллари ўз турмуш ўртоғининг исмини айтиб чақирмайди. Қолаверса, доимо эрига, ўзидан катталарга, ҳатто эрининг яқинлари бўлмиш кичкина болаларгача сизлаб гапиради (Келин бўлиб келгунча туғилган барча болаларни ҳам сизлайди. Ундан кейингиларини сенлаши мумкин). Яъни, “дадаси” ундалмаси ва кесимга қўшилиб келган шахс-сон қўшимчасининг кўплиги ўзбек тилида, асосан, аёллар (фалончининг дадаси деб эркак киши ҳам қўллабди, бироқ кўпинча бу сўзга дуч келганимизда аёл киши томонидан қўлланиши ёдимизга келади) нутқида учрайди.

Италян аёллари ҳам худди ўзбек аёллари сингари эрига бўйсунувчан, бардошли ва итоаткор, ўз миллати урф-одатларига биноан иш тутаяди. Қуйида келтирилган мисол орқали италян аёлларининг оиладаги ўрни ва мавқеи ёритилган: “Connie is Don Vito Corleone’s youngest child and his only daughter. As a woman, she has no role to play in the Corleone Family’s deeply patriarchal criminal enterprise. Puzo first introduces Connie at the

beginning of the novel, but he ends this special treatment after she marries the abusive Carlo, claiming that she is now her husband’s property, not Vito Corleone’s, her father’s. Connie’s character embodies the passive role that women play in Puzo’s novel.

Таржимаси: Конни, Дон Вито Корлеоненинг кенжа фарзанди ва ягона қизи, аёл сифатида Корлеоне оиласининг чуқур патриархал жинсий фаолиятида ҳеч қандай рол ўйнамайди. Вито Коннининг меҳрибон отаси, лекин у зўравон Карлога турмушга чиққандан кейин бу махсус муомалани тугатади ва у энди отаси Вито Корлеоненинг эмас, балки эрининг мулки эканлигини таъкидлайди.

Бадий тилнинг гендер аспектида ўрганилиши уни лингвистик усуллар билан билиш учун унумли ҳисобланади. Бадий нутқда тилнинг ўз-ўзини ифодалаш функцияси каби вазифаси тўлиқроқ амалга ошади. Бадий тил орқали матндаги оғзаки образлар, унинг яратувчисининг дунёқараши очиб берилади, бу эса бошқа омиллар ва муаллифнинг гендер баҳоси билан белгиланади.

Детектив романларда аёл ва эркак нутқини фарқловчи турли лисоний воситалар мавжуд. Масалан, эркаклар нутқида учрайдиган айрим лисоний бирликлар борки, улар аёллар мулоқотида қўлланмайди:

Ажаб, уйга қачон, ким билан қайтди экан?

– Мен ҳазил ўйин деб ўйлабман...

– Қиморда ҳазил бўлмайди, эркак.

–...Тўлайман... фақат бугун эмас. Бир-икки йил ичида.

– Пулни-ку, тўларсан-а, хотининг-чи? Хотинингни ҳам тикворгансан-ку.

Бу хирилдоқ овоз бошига гурзи бўлиб урилиб, сапчиб тушди. Беихтиёр:

– Ноила! – деб бақирди [8].

Маълумки, қимор ўйнаш фақат эркакларга хос бўлиб, айрим Ғарб мамлакатларида бой аёлларгина баъзан ўйнаш эди. Бу ўзбек аёллари учун эса тамоман ётдир. Шу ўринда айрим нутқий вазиятларда аёллар томонидан эрга нисбатан “эркак” сўзи киноя, пичинг ва мақташ маъноларида қўлланади. Аммо эрка-

кларнинг бошқа бир эр кишига шундай мурожаат қилиши бошқа бир услубий, прагматик маъно касб этади. Бу ўринда қатъият, ғурур ва ваъдага вафо қилиш, бир сўзли бўлишга ундаш маъноси англашиб турибди.

Ўзбек менталитетида эркак киши ўз аёлига сенлаб мурожаат қилиши одатга айланган. Аммо бу мажбурий эмас. Айримлар сизлаб ҳам мурожаат қилади. Асадбек эса ўз аёли билан миллий менталитетга мос равишда мулоқотга киришади. Эркаклар ўз аёлларига баландроқ оҳангда гапириши, баъзан сўкинши ҳоллари ҳам учраб туради. Бу бадий асарларда ҳам қахрамонинг характерини кўрсатиш учун қўлланади.

Манзура бошини эгиб, йиғлаб юборди. Асадбек, шу пайтгача хотинини чертмаган одам, тарсаки қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

– Гапир, деяпман! Ўзини қўлга олиш учун Манзурага шу тарсаки кифоя эди.

– Менгина ўлай... қизингиз... айтолмайман, дадаси...

– Гапир, худди бўғиб ташлайман,

– Асадбекнинг овози таҳдидли, бу шунчаки бир пўписага ўхшамас эди.

– Қизингизни бир аҳволда ташлаб кетишди [8].

Кўриниб турибдики, эркак кишининг аёл кишига муносабати мазкур нутқий вазиятга кўра салбий. Ўзбек аёлининг табиатида итоаткорлик, эрга ҳурмат туйғуларининг борлиги унинг бу каби қўпол муомалага ҳам сабр қилишига сабаб бўлгани маълум. Шу ўринда фақат аёллар нутқида учрайдиган ундов сўзларнинг қўлланиши мазкур асарда гендер ўзига хосликлар мазжудлигини кўрсатади. Масалан, менгина ўлай ифодаси ўзбек нутқида фақат аёллар томонидан қўлланади. Айнан шундай салбий муносабатни қуйидаги нутқий вазиятда ҳам кўришимиз мумкин. Италян Мафия қироли Дон Корлеоне эридан шикоят қилиб келган ўз қизидан унга итоат қилишини ва унинг қўпол муносабатига сабр қилишини сўрайди: “She had found her parents coolly unsympathetic and curiously amused. Her mother had had a little sympathy and had even asked her father to speak to “sympathy and had

even asked her father to speak to Carlo Rizzi. Her father had refused. “She is my daughter,” he had said, “but now she belongs to her husband. He knows his duties. Even the King of Italy didn’t dare to meddle with the relationship of husband and wife. Go home and learn how to behave so that he will not beat you.”

Connie had said angrily to her father, “Did you ever hit your wife?” She was his favorite and could speak to him so impudently. He had answered, “She never gave me reason to beat her.” And her mother had nodded and smiled”.

Таржимаси: У ота-онасини совуққон ва ҳайратланарли ҳолатда кўрди. Онаси унга бироз ҳамдардлик билдиргандек бўлди ва ҳатто отасидан “ҳамдардлик” билдиришни ва Карло Риззи билан гаплашишини сўради. Отаси рад этди. “У менинг қизим, – деди у, – лекин энди у эрига тегишли. У ўз вазифаларини билади. Ҳатто Италия қироли ҳам эр ва хотин ўртасидаги муносабатларга аралашинишга журъат этмаган. Уйингга бориб, ўзингни қандай тутишни ўрган. Шунда у сени урмайди”. Конни жаҳл билан отасидан сўради: “Сиз ҳеч қачон хотинингизни урганмисиз?” У унинг эркатой қизи, севимлиси эди ва у билан беадаб гапиришга журъат эта оларди. Отаси жавоб берди: “Онанинг менга ҳеч қачон уни уриш учун сабаб бермаган”. Онаси эса бош ирғаб, жилмайиб қўйди” (Mario Puzo. The Godfather. Chapter 16)

Мавжуд манбалар таҳлилидан маълум бўладики, аёл ва эркакларнинг нутқининг гендер аспектида ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш тенденциясига асосланади. Мулоқот мураккаб таркибли реал ва жонли система сифатида юзага чиқади. Аниқроғи, мулоқот мавҳум системаси жонли системаларнинг онгдаги инъикоси, умумлашган портрети, олам лисоний картинасининг бир парчаси. Ҳар қандай реал мулоқот системасида қуйидаги унсурлар мавжуд бўлади: а) макон; б) замон; в) вазият; г) лисон; д) шахс. Бу унсурлар бир тизимга мансубликдан ташқари умумий белгилардан мутлақо холилиги билан аҳамиятли. Умумийликдан

холилиқ – реал системаларнинг яшаш шарти. Ўзбек детектив романлари тилини ўрганиш орқали ўзбек тилида гендер фарқланишлар, аёл ва эркекларнинг нутқининг гендер ўзига хосликларини аниқлашга эришиш мумкин. Бу ёзувчининг асардан кўзлаган маъно-моҳияти ўқувчи онг остида реал воқеланишни таъминлаши баробарида тил хусусиятлари орқали асарда тасвирга олинган давр ёки жамиятнинг ижтимоий ҳолати ҳақида хабардор бўлишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахманова О.С., Магидова И.Н. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания, 1978. – № 3. – С. 43-48.
2. Берн Ш. Гендерная психология: законы мужского и женского поведения. – СПб.: Прайм-Еврознак, 2008. – 318 с. / psymania.info www.psychologos.ru
3. Земская Е.А., Китайгородская М.А., Розанова Н.Н. Особенности мужской и женской речи. www.owl.ru
4. Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием // Гендер: язык, культура, коммуникация. – Москва, 2002.
5. Кирилина А., Томская М. Лингвистические гендерные исследования // Отечественные записки. Журнал для медленного чтения. – Москва: Высшая школа экономики, 2012. – С.52.
6. Коаст, Дж. Женщины, мужчины и язык / Дж. Коаст // Гендер и язык. – Москва, 2003. – С 78-112
7. Лакофф Р. Язык и место женщины // Введение в гендерные исследования. Ч. II: Хрестоматия. – Харьков: ХЦГИ, 2001.
8. Малик, Тоҳир. Шайтанат. Роман. 1-қисм. Mario Puzo. The Godfather, p. 396.
9. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986.
10. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 174 б.
11. Trena T. Anastasia, 2008. Analysis of metaphors used in women college president's inaugural addresses at coed institutions.

12. Martynyuk, A.P. (2004). Construction of gender in the English discourse. Kharkiv: 2004.- Konstanta Pub
13. R. Lakoff, Language and Woman's Place (New York, Harper, 1975)
14. Halliday M.A. System and function in language. – London: Oxford Univ. Press, 1976. – P.14.
15. Sinclair D., Coulthard M. Towards an Analysis of Discourse: The English Used by Teachers and Pupils. – London: Oxford Univ. Press, 1975. – P.183.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАТИЖАЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

*Нозлия Нормуродова,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети халқаро ҳамкорлик масалари бўйича проректори, филология фанлар доктори*

Иқтисодиёти тараққий этган, фаровон турмуш даражасига эришган давлатларнинг бундай ютуқлари замирида илм-фан, таълим соҳаси ривожига қаратилган эътибор ётади. Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқиши ҳам айнан илм-фан тараққиётига, ёшларнинг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, олий таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини кўпайтириш, профиль ихтисослашув соҳаларини кенгайтириш, ёшларнинг олий таълим билан қамровини ошириш, шунингдек, хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар айни шу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим одим саналади. Бу йўналишда қабул қилинаётган қарор ва фармонлар хотин-қизларнинг олий таълим муассасаларида билим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, гендер тенглик тамойиллари устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда давлат раҳбарининг бевоқиф ташаббуси ва жиддий эътибори туфайли олий таълим соҳасида катор ислохотлар ўтказилмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига кўра, мамлакатимизнинг камида 10 та университети 2030 йилга қадар халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингига олий ўқув

юртлари рўйхатининг дастлабки 1000 позициясига кириши кўзда тутилган. Бунинг учун, албатта, олий ўқув юртларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш, ўқув жараёнига замонавий кредитмодул тизимини жорий қилиш талаб этилган. Ушбу ташаббуслар самараси ўлароқ ўтган йилларда миллий ОТМларимиз бирин-кетин халқаро нуфузли рейтингларга киритилди, йилдан йилда натижалар яхшиланиб бормоқда.

Замонавий шароитларда барча соҳалар каби олий таълим хизматлари бозоридаги глобаллашув жараёнлари кузатилаётган бўлиб, миллий олий таълим муассасаларининг байналминаллашуви жараёни улар рақобатбардошлигини оширишдаги бош тенденциялардан бирига айланиб бормоқда. Кейинги 5 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари халқаро таълим хизматлари бозорида ўзларининг рақобат мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Хорижий талабалар сонининг ортиши, аввалло, таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб ўтиш билан боғлиқ ислохотлар пировард натижасидир. Бунда замонавий маконда глобал таълим хизматлари бозоридаги инфратузилманинг ривожланиши, THE, QS, ARWU, Webometrics каби глобал рақобатбардошликнинг тизимли институтлари фаолиятини ривожланиши абитуриентлар томонидан олий таълим муассасалари тўғрисида теран маълумотлар олиш ва танлаш имкониятларини яратмоқда. Бундай